

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**



“Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ”

йўналиши

3-61 гуруҳ талабаси

Каххоров Сирож

«МАДАНИЙ ЎРМОНЛАР »ФАНИДАН

КУРС ЛОЙИХАСИ

Мавзу: Маданий ўрмонлар барпо қилиш технологияси.

Текширди:_____

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА:

КИРИШ...

1-БОБ ЖОЙ ШАРОИТИНИНГ ТАВСИФИ.

1.1 Тошкент ўрмон хўжалиги жой шароитининг тавсифи

2-БОБ ДАРАХТЛАР ТУРЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

2.1 Бодом дарахтининг тавсифи

2.2 Наматак дарахтининг тавсифи

2.3 Қайрағоч дарахтининг тавсифи

3-БОБ ДАРАХТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ СХЕМАСИ

3.1 Наъматак дарахтини жойлаштириш схемаси

3.2 Қайрағоч дарахтини жойлаштириш схемаси

3.3 Бодом дарахти жойлаштириш схемаси

4-БОБ ДАРАХТ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

5- БОБ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ХИСОБЛАШ

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар

КИРИШ

Маданий ўрмонлар - бу сунъий барпо этилган ўрмонлардир. Ўрмон маҳсулотларининг асосийси - ёғоч - бу ягона қайта ишлаб чиқарувчи энергетик хом ашё ҳисобланади.

Ўрмон - ёғоч, техник, энергетик хом ашё беради ва қимматбаҳо озиқ-овқат ва доривор восита ҳамда чорва учун озуқа ҳисобланади. Ўрмон экологик шароитга ижобий таъсир кўрсатади. Республика ўрмонлари тоғ-тоғ олди минтақада 9,6 млн га майдонни эгаллайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 42000 га ўрмон барпо этилади.

Ўзбекистон кам ўрмонли республика ҳисобланади. Ўзбекистоннинг тоғ олди пасттекислигининг катта қисми физик-географик шароити ҳисобига ўрмон билан қопланмаган. Бу муоммони, яъни ўрмонлаштириш масаласини ечишда сунъий ўрмон барпо этишга - маданий ўрмонларга аҳамиятли ўрин ажратилган.

Ўзбекистонда маданий ўрмонлар ишининг бошланишига 1879 йилда асос қўйилган. 1880 йилда тоғларда ўрмонлаштириш ишлари бошланган.

1994 йилда Фарғона вилоятининг Пешқаут ва Қизилата дараларида турли дарахтлардан маданий ўрмонлар барпо этилди. Оқ-тош ўрмон дачасидаги ишлар эса энг муваффақиятлилар сирасига кирази. Бу ерлар 1898-1904 йиллар ўрмонлаштирилди, кейинчалик 1911 йилдан Оқ-тош дарёсининг пастки оқим майдонларида давом эттирилди. 1931 йилда лалми ерларда

ўрмонлаштириш ишлари бошланди, 1947 йилда эса Каттақурғон сув омбори атрофини ўрмонлаштириш бўйича ишлар бошланди. Қумларни мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларни химояловчи дарахтзорлар барпо этиш ишлари кенг ривожланди.

Сунъий ўрмон дарахтзорларини етиштириш турли зарурий таркибдаги ва аниқ белгиланган мақсадда тупроқнинг сув ва шамол эрозияси олдини оладиган ва республика аҳолисини ўрмон маҳсулоти билан таъминлаш масаласини ечадиган юқори маҳсулдорли дарахтзорлар яратиш имконини беради. Шунинг учун фан ва ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаларидан бири навли уруғлардан фойдаланиш, йирик кўчатларни, замонавий технологик усулларни қўллаш натижасида ўрмон ресурсларини ишлаб чиқариш даврини қисқартиришдир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 500 минг га дан ортиқ маданий ўрмонлар барпо этилган улардан 300 минг га дан ортиғи туташган ўрмонлардир.

ЎзЎХИТИ, ТошДАУ олимлари томонидан юқори сифатли уруғ олиш, кўчат етиштириш ва ўрмон барпо этишларнинг оригинал усул ва услублари ишлаб чиқилган. Маданий ўрмонларнинг асосий тури - химоя ўрмон дарахтзорлари бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Унинг мақсади тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳамда бошқа - табиатни номаъқул ходисаларидан химоялаш, ерни хўжалик оборотига киритиш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва турғунлигини таъминлашдир. Ўрмонни ўстириш бу узок ўнлаб йиллари ўз ичига оладиган жараён ва буни амалга оширишда, уруғ экишда, кўчат ўтказишда, йўл қўйилган хатони тезда аниқлаб бўлмайди ва

тузатиш қийин. Шунинг учун ўрмончига сунъий ўрмон барпо этиш ва парваришлаб ўстириш назариясини яхши ўзлаштириши зарур.

1-БОБ ЖОЙ ШАРОИТИНИНГ ТАВСИФИ

Тошкент ўрмон хўжалиги жойлашган туманда табиий иқлим шароитида ҳаво ҳароратини тез ўзгарувчанлиги, ёғингарчиликларни камлиги ҳамда ердаги намликни тезда парланиб кетишини ҳисобга олган ҳолда шимолий ярим шарнинг субтропик ўлкалари таркибига киради.

Ўрмон хўжалиги жойлашган ҳудудда қисқа илиқ баҳор ойи ва узоқ давом этувчи иссиқ давр билан ўрин алмашиб бу ҳол бутун ёз ойи ва куз куз ойлариининг бир қисмигача давом этади. Қиш ойларидаги об ҳаво булардан фарқ қилиб, ҳаво ҳарорати тез ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради.

Тошкент ўрмон хўжалигида иқлим шароити бўйича қуйидаги кўрсаткичларни кўриш мумкин:

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	Миқдори	Муддати
Йиллик ёғингарчиликларнинг миқдори	Мм	310-400	
Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати	Ҳарорат	13.3	
Максимал Минимал	Ҳарорат	42 -32	
Ўсув даврининг давомийлиги	Кун	219-276	
Баҳор ойидаги сўнгги совуқ			19.02-01.03
Куз ойидаги биринчи совуқ			23.11-20.12
Қор қатлами	см	9	
Биринчи қор ёғиши			19.10-27.12

Сўнгги қор			22.01-18.04
Қор қатламининг давомийлиги	Кун	8-60	
Нисбий намлик	%	44	
Намгарчиликнинг юқори кўрсаткичи	%	30	
Намгарчиликнинг нисбий кўрсаткичи	%	86	

Ўрмон хўжалиги жойлашган ҳудудининг рельефи текисликдан ҳамда дарё оқими томон шимолий – шарқдан жанубий – ғарб томон Чирчиқ дарёси ва шарқдан ғарб томонга Ангрен дарёси томон бир оз нишабликдан иборат.

Ўрмон хўжалигининг тупроқ қатлами юқори сув ўтказувчан ва намлик даражаси пастлиги билан характерланади.

Ўрмон хўжалиги ҳудудида қуйидаги тупроқ қатламлари турлари бўйича тақсимланади.

1. сероземы светлые
2. легкосуглинистые
3. средне и слабосмытые
4. средне и глубокопрофильные

Гидрометрик шароитининг ёмонлиги сабабли бу ерда тупроқ қатламини ҳосил бўлиши юқори эмас. Юқорида келтирилган тупроқ қатламини ҳосил бўлиш шароити юқори даражасига етмайди. ва етарли даражада тупроқ қатламида органик моддаларни ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади.

2-БОБ ДАРАХТЛАР ТУРЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Тошкент ўрмон хўжалигида маданий ўрмонлар барпо қилиш
агротехникаси

Тошкент ўрмон хўжалигининг иқлим ва тупроқ шароитини
инобатга олган ҳолда қуйидаги дарахт турлари танлаб олинди:

2.1 Бодом

2.2. Наматак

2.3. Қайрағоч

БОДОМ (AMYGDALUS) ТУРКУМИ



Бодом - жанубий, субтропик ўсимликдир. У Марказий Осиё,
Ўрта Ер денгизи, марказий Америка, бир қатор Европа
мамлакатларида (Италия, Франция, Қрим, Кавказ орти) тарқалган.

Бодом иссиқсевар, қурғокчиликка ўта чидамли, ксерофит ўсимлик бўлганлиги сабабли йилига 500-700 мм дан зиёд ёғин ёғадиган Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг тоғ ва тоғолди қияликларида қадим замонлардан бери ўсиб ҳосил бериб келади. Бу ерларда янгидан барпо қилинган бодомзорлардан ташқари табиий ўрмонларда ёввойи ҳолда ҳам ўсади. Бу ерларда уларнинг оддий (маҳалий), Бухоро, Петунников, Тиканли, Калмиков деб аталиш. Бодом навлари мавжуддир жуда қимматли бўлиб, ундан халқ хўжалигининг кўп тармоқларида фойдаланилади. Данаги қотмаган хом бодомни шакарга қўшиб ёки мураббо тайёрлаб истемол қилиш фойдалидир. Ширин мағизли бодом 40-70% еғ, 20-25% оксил, 6% шакарга эга бўлиб, турли дармондори, органик моддаларга бой бўлади ва кондитер саноати учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади. Кунжарасида 10% гача мой ва кўп миқдорда оксил ва углеводлар бўлади. Тақир бодом таркибида ёғ, оксил, шакардан ташқари 2-2,5% амигдалин бўлиб, парфюмерия саноатида ва медицинада кенг қўлланилади. Бодомнинг пўсти газ ютадиган кумир тайерлашда, виночиликда винога хушбўй ҳид, сифат ва там беришда фойдаланилади. Бодом пўчоғининг кулида 40% гача калий ҳосил бўлади ва ўғит сифатида фойдаланилади. Бодом ёғочи жуда қаттиқ ва чиройлидир, шунинг учун дурадгорликда ва техника учун қимматли ашё ҳисобланади.

Бодомнинг илдиз системаси 6 метр чуқурликгача боради, қурғокчиликка яхши чидайди ва тоғ-ўрмон мелиорация ишларида ҳам муҳим рол уйнайди. У қурғокчиликка ғоят

чидамли бўлиб, ер танламасдан, сувсиз, тошлоқ ва тоғнинг унумсиз жанубий ён бағирларида ҳам яхши ўса олади.

Бодом 3-4 ёшидан ҳосилга киради, 12-18 ёшидан 35-40 йилгача яхши ҳосил беради. Яхши парваришланса 60-100 йил яшаб ҳосил бериши мумкин. Бодом кўчати кузда ёки эрта баҳорда экилади. У ёруғликка талабчан бўлганлиги сабабли қалинликни ёқтирмайди, таркибида охаги бўлган соз тупроқларда яхши ривожланади. Бир туп дарахтининг ҳосилдорлиги 3-4 кг дан 10-20 кг гача етади. Маълумотларга қараганда энг кўп ҳосил қилган йиллари 30-40 кг гача ҳам бўлган.

Бодомнинг бундай хусусиятлари Республикамизнинг тоғ ва тоғолди лалмикор ҳудудларидаги давлат ва нодавлат хўжаликларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини, иқтисодий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

НАЪМАТАК (ROSA)ТУРКУМИ

Наъматак турлари тоғли ҳудудларда 1000-2800 метр денгиз сатҳидан баландликларда кенг тарқалган. наъматак турлари асосан арча, ёнгоқ, олма ва заранг ўрмонларини II ярусиди ўсади. Наъматак мевалари табиий витаминлар концентрати деб ҳам аталади. Наъматак туркумига 120 дан ортиқ тур киритилган, шундан 32 га яқин тури Марказий Осиёда учрайди. Наъматаклар асосан 800-2800 метр денгиз сатҳидан баландликлардаги тоғ



ёнбағирларида, кўпроқ тоғ дарёлари ҳавзаларида ўсади. Мевалари С витамини миқдориға кўра ўсимлик дунёсида биринчи ўринда туради (6% гача). Бундан ташқари мевасида қандлар, каротин, лимон кислотаси, пектин ошловчи моддалар мавжуд.

Наъматак турларидан тоғ ўрмон мелиорациясида ва шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади.

Меваси (гипантий) ичида 8-15 тагача уруглар ривожланади.. уруглари бир уругли ёнгоқча, оч жигаррангда бўлиб думалок, тухумсимон, баъзан тетраэдр шаклида ҳам бўлади. Уругдан кўпаяди., баҳорда қийғос ниҳоллар олиши учун унинг уруглари меваси тўлиқ пишиб етилмасдан (сентябр бошларида) териб олинади ва ҳўл қумда стратификация қилинади, кеч кузда (ноябр) кўчатзорға экилади. Наъматакнинг кўп турлари қурғоқчиликка чидамлилиги ва тупроқ танламаслиги билан ажралиб турали.

ҚАЙРАҒОЧ (ULMUS) ТУРКУМИ



Дарахт бўйи 15-16 м га, диаметри 60-70 см га етади. Танаси шершоҳ бўлиб, шарсимон шох-шабба ҳосил қилади. Новдалари қўнғир қизил, хира-рангда, айрим шаклларида қизил-сарғиш рангда. Танаси ва новдасининг пўстлоғи бўйига ва кўнгдаланига ёрилган, пўкакли ўсиқлари бор, туксиз ёки тукли. Ёш даврида пўстлоғи силлиқ ёки ғадир-будир. Новдаси инигичка, калта бўлиб. Майда куртаклари кўп, масалан, бўйи 5 см ли новдасида 7-8 та куртак бўлиши мумкин. Улар тухумсимон ёки овал шаклда. Бўйи 1,5-4 мм. Тангачалари қорамтир. қизил-қўнғир рангда. Чети текис туксиз, ялтироқ, кул рангли тукли. Барглари оддий тузилган, кенг ланцетсимон, ён томонлари нотекис. Ўткир учли. Туби юраксимон,

чети икки қатор тишчали, юз томони тўқ яшил туксиз, силлиқ -ёки ғадир-будир, орқа томони сўгалли бўлади. Пластинкасининг бўйи 10 см, эни 6 см га яқин. Барг банди ингичка, бўйи 1 см, туксиз ёки тукли.

Бу қайрағочнинг ёғочи сарғиш, қаттиқ, оғир, ўзаги қўнғир рангда. Ундан қурилишда ва дурадгорликда ҳамда ўтин сифатида фойдаланилади. Пўстлоғи терини ошлаш учун ишлатилади. У асосан Европада ўсади, унинг ҳар хил шох-шаббали тури бўлиб, Ўрта Осиё республикаларида кўп экилади. Бу қайрағоч тури қайрағоч қурғокчиликка ва иссиққа чидамли, уни кўча ва паркларга экиш тавсия этилади.

3-БОБ ДАРАХТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ СХЕМАСИ

Дарахтларни жойлаштириш схемасига асосланиб кўчат сарфини ҳисоблаб чиқиш

Бизнинг лойиҳамизда қуйидагича майдонлар берилган.

1. Дашт – 12 гектар;
2. 0,1-0,2 тўлиқликли майдонлар – 13 гектар;
3. Сайхонликлар – 287 гектар;
4. Қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерлар – 104 гектар;
5. Янги ўзлаштирилган ерлар – 1 гектар;
6. Яйловлар – 132 гектар.


Майдон ва танлаб олган дарахт турларимизнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар бўйича қуйидагича маданий ўрмонлар барпо этилади.

1. Дашт, 0,1-0,2 тўлиқликли майдон - наъматак майданий ўрмонлари;
2. Сайхонликлар, яйловларда - қайрағоч майданий ўрмонлари;
3. Қишлоқ хўжалигига яроқсиз ва янги ўзлаштирилган ерларда – бодом маданий ўрмонлари.

Дашт зонаси ўзининг тупроқ шароити ва ўсимликларнинг ўсиши учун қулай шароит мавжудлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ушбу ҳудудга наъматак 5х5 м схемада жойлаштирилади:

Дашт зонасида наъматак маданий ўрмонларини жойлаштириш ва кўчат сарфини ҳисоблаш жадвали

№	Дарахт тури	Қатор орасидаги масофа, м	Кўчат орасидаги масофа, м	Лойиҳалаштирилаётган майдонга кетадиган кўчатлар сарфи
1	Наъматак	5	5	4800



Дашт зонасида наъматак маданий ўрмонларини жойлаштириш схемаси.

Бу ерда:


a – қатор орасидаги масофа, 5 м

b – кўчатлар орасидаги масофа, 5 м

0,1-0,2 тўлиқли майдонда маданий ўрмон барпо этиш: ушбу ҳудудга наъматак 4x5 м схемада жойлаштирилади:

0,1-0,2 тўлиқли майдонда наъматак маданий ўрмонларини жойлаштириш ва кўчат сарфини ҳисоблаш жадвали

№	Дарахт тури	Қатор орасидаги масофа, м	Кўчат орасидаги масофа, м	Лойиҳалаштирилаётган майдонга кетадиган кўчатлар сарфи
1	Наъматак	4	5	6500



0,1-0,2 тўлиқли майдонларда наъматак маданий ўрмонларини жойлаштириш схемаси.

Бу ерда:


a – қатор орасидаги масофа, 4 м

b – кўчатлар орасидаги масофа, 5 м

Сайхонликлар ўзининг тупроқ шароити ва ўсимликларнинг ўсиши учун ноқулай шароит мавжудлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ушбу удудга қайрағоч 6х6 м схемада жойлаштирилади:

Сайхонликда бодом маданий ўрмонларини жойлаштириш ва кўчат сарфини ҳисоблаш жадвали

№	Дарахт тури	Қатор орасидаги масофа, м	Кўчат орасидаги масофа, м	Лойихалаштирилаётган майдонга кетадиган кўчатлар сарфи
1	Қайрағоч	6	6	73472



-расм. Сайхонликда қайрағоч маданий ўрмонларини жойлаштириш схемаси.

Бу ерда:

а – қатор орасидаги масофа, 6 м


б – кўчатлар орасидаги масофа, 6 м

Қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерлар ўзининг тупроқ шароити ва ўсимликларнинг ўсиши учун ноқулай шароит мавжудлиги

(шўрланганлиги) билан ажралиб туради. Шу сабабли ушбу ҳудудга қайрағоч 4x4 м схемада жойлаштирилади:

Қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерларда қайрағоч маданий ўрмонларини жойлаштириш ва кўчат сарфини ҳисоблаш жадвали

№	Дарахт тури	Қатор орасидаги масофа, м	Кўчат орасидаги масофа, м	Лойихалаштирилаётган майдонга кетадиган кўчатлар сарфи
1	Қайрағоч	4	4	65000



Қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерларда қайрағоч маданий ўрмонларини жойлаштириш схемаси.

Бу ерда:

a – қатор орасидаги масофа, 4 м


b – кўчатлар орасидаги масофа, 4 м

Янги ўзлаштирилган ерлар тупроқ шароити ва ўсимликларнинг ўсиши учун шароит тўлиқ ўрганилмаганлиги

билан ажралиб туради. Шу сабабли ушбу ҳудудга бодом 5x5 м
схемада жойлаштирилади:

Янги ўзлаштирилган ерларда бодом маданий ўрмонларини
жойлаштириш ва кўчат сарфини ҳисоблаш жадвали

№	Дарах т тури	Қатор орасидаг и масофа, м	Кўчат орасидаг и масофа, м	1 гектарга кетадига н кўчатлар сони, дона	Лойиҳалаштирилаётга н майдонга кетадиган кўчатлар сарфи
1	Бодом	5	5	400	400



-расм. Янги ўзлаштирилган ерларда бодом маданий ўрмонларини
жойлаштириш схемаси.

Бу ерда:


а – қатор орасидаги масофа, 5 м

б – кўчатлар орасидаги масофа, 5 м

Яйловлар ўзининг тупроқ шароити ва ўсимликларнинг ўсиши учун ноқулай шароит мавжудлиги (чорва молларини доимий боқилиши) билан ажралиб туради. Шу сабабли ушбу ҳудудга бодом 5х6 м схемада жойлаштирилади:

Яйловларда бодом маданий ўрмонларини жойлаштириш ва кўчат сарфини ҳисоблаш жадвали

№	Дарахт тури	Қатор орасидаги масофа, м	Кўчат орасидаги масофа, м	Лойиҳалаштирилаётган майдонга кетадиган кўчатлар сарфи
1	Бодом	5	6	43956



Яйловда бодом маданий ўрмонларини жойлаштириш схемаси.

Бу ерда:

а – қатор орасидаги масофа, 5 м

б – кўчатлар орасидаги масофа, 6 м

4-БОБ ДАРАХТ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Маданий ўрмонлар барпо қилиш агротехникаси

Тупроқ шароити оғир бўлган ер майдонларида дарахтзорлар барпо этишда аввало ернинг илдиз ўсадиган қатламида гумусга бой бўлган қатлам барпо этишдан иборатдир. Бунинг учун ер остида юзароқ жойлашган шўрхоқ сув сатҳини пастга тушириш ва куз фаслида ер майдонларини чуқурроқ ҳайдашдан иборатдир. Шунингдек бундай ер майдонларида юқори сифатли мавжуд тупроқ шароитига бемалол ўсиб ривожланадиган дарахт турлари танланиб олинади. Уларни экиш схемалари ва жойлаштириш тўғри берилади. Кузги шудгор кузда 35-40 см чуқурликгача амалга оширилади, қишда эса барона қилинмасдан қолдирилади, бу эса сувни яхши таъминлайди. Баҳорда экишдан олдин барона қилиниб 18-20 см чуқурликда юмшатилади, ерни қора шудгор қилиш тупроқни бегона ўтлардан тозалайди.

Тупроқдаги намликни сақлаш мақсадида эрта баҳорда 20 см чуқурликда юмшатилиб барона қилинади. Ёз фаслининг биринчи ярмигача камида 2 маротаба култивация қилинади (12-14 см чуқурликда кузда октябр ноябрда чуқур юмшатилади). Баҳорда кўчат ўтказишдан олдин тупроқ чизел қилинади ва бароналанади ёки чуқур култивация қилинади.

Ёппасига ҳайдаш тизими тупроқ қисмларининг алмашилишига ва тупроқ устки қисмини пастга тушиб, буғланиш камайишини

таъминлайди. Намликни ўз навбатида кўчатлар илдиз тизими олади. Ерга ишлов беришда кўпчилик ҳолларда ПЛН-4-35 плуги ёрдамида бажарилади. Юқоридаги агротехник тадбирларни ер майдонларида бажариб бўлгандан сўнг энг яқин кўчатхонадан сараланган кўчатлар танланиб олиниб кўчат экиш ишлари бажарилади. Ер текислаш ишларида бульдозер, скелер, планировщик-вирониватель ва грейдорлардан фойдаланилади.

Ер ёзда ёки кузда шудгорлаш олдидан текисланади. Текисланадиган ер майдонининг катталиги 12 дан 20 гектаргача бўлиши ва унинг чегарасидан суғориш шахобчаси ўтиши керак. Ерни ишлашнинг асосий қисми кузги шудгорлашдан бошланади. Шудгорлашнинг асосий даври ноябр ойининг бошларидан 15 декабргача давом этади. Кузги шудгорлаш учун икки ярусли ПД-4-35 ёки ПЛН-40 каби плуглар билан 35-40 см чуқурлимкгача ҳайдалади. Кузги шудгорлаш ер яхшилаб текислангандан сўнг ўтказилади. Бунда плугга чимқирқар ўрнатилади, сўнгра участкага мала бостириб ёки грейдер юргазиб енгил текисланади. Шундан кейин КЗУ-0,3 машинасида 30-40 см баландликда пол олинади. Ҳар гектар ерда 8-9 гача пол ташкил этилади, лекин 4 тадан кам бўлмаслиги керак. Шўрхок ерларда тўлиқ шўр ювиш ишлари ўтказилади. Кам шўрланган ерларни ювиш меъёри $1500-2000 \text{ м}^3/\text{га}$, ўртача шўрланган ерларда эса $3500-6000 \text{ м}^3/\text{гектарга}$ тенг. Ер шўрини ювишда сувни полдан-полга ўтказмай балки ҳар бир полга алоҳида қуйилади. Шундай қилингандан ер шўри яхшироқ ювилади. Ер шўрини ювишда қандай меъёردа сув сарфлаш тупроқнинг шўрланиш даражасига ер ости сизот сувининг жойлашиш чуқурлигига ҳам боғлиқ.

Янги ўзлаштирилган ерларнинг шўрини ювишда унинг шўрланиш даражасига ер ости сувининг жойлашиш чуқурлигига қараб ҳар хил меъёрга сув сарфланади. Ер ости сизот суви ер юзига яқин кўтарилган сари шўрни ювишда сув сарфлаш меъёри ортиб боради. Янги ўзлаштирилаётган ер ости сувлари чуқур жойлашган куруқ ерларда шўрни ювишдаги сув сарфлаш меъёри эскидан суғориб келинган, ер ости сизот суви юза жойлашган ҳудудларга қараганда икки уч марта кам бўлиши керак.

Механик таркиби жиҳатидан енгил тупроқли сув ўтказувчанлик хусусияти ўртача бўлган ерлар икки уч кун оралатиб ювилади. Механик таркиби оғир сув ўтказувчанлик хусусияти ёмон ва ер ости сувлари юза жойлашган ерлар эса сув бостириб узлуксиз равишда ювилади. Бунда ер сиртида сув қатлами 10-15 см чиқиши керак.

Дарахтзорлар ташкил қилишда кўчатлар кузда экиладиган бўлса, дастлаб ер шўри ювилади сўнгра ер текисланади ва барвақт ҳайдаб қўйилади. Шундай қилинганда дарахт экишга киришиш вақтида ер тайёр бўлади.

Маданий ўрмонларга 1-2 ёшли кўчатлари экилганда жуда яхши натижалар беради. Кўчатларни қавлаш эрта баҳорда уларнинг тиним даврида амалга оширилади. Кўчатларни қовлашдан 7-10 кун олдин кўчатзорни суғориш тавсия этилади.

Кўчатлар қовлаб олинган, доимий экиладиган жойига жўнатилади. Бу жараёнда эман кўчатларининг илдизи қуриб қолишига йўл қўйилмайди, кўчатлар остига 10-12 см похол солинади. Улар намлаб турилади.

Кўчатларини экишнинг энг мақбул муддати март-апрел бошида ҳисобланади. Кеч баҳорда кўчат экиш мумкин эмас. Кузги қишки мавсум сернам бўлсагина, кўчатларини экиш қоникарли натижалар беради. Кузда эман кўчатлари октябр-ноябр ойларида ёғин-сочинлардан сўнг, агар тупроқ 40 см чуқурликкача намланган бўлса экиш мумкин. Қуруқ тупроққа экилган эман кўчатлари бутунлай куриб қолади. Бодом кучатлари терасса полотноси ўртасига, ШСТ – 1 юмшатгич тиши изи бўйлаб экилади. Кўчатларни экиш учун терассаларда чуқурлиги 30-35 см гача, йирик кўчатлар учун 35-40 см чуқурлар тайёрланади. Кўчатлар тупроқ сатхидан 10-15 см пастроқ қилиб экилади.

Кўчатлар экилганда илдиз бўғзи 2-3 см тупроқ юзасидан пастроқ экилади. Кўчат экилгач, улар атрофидаги тупроқ яхшилаб зичланади. Чунки илдиз атрофидаги бўшлиқлар кўчатларни тутиб кетишини пасайтиради. Хар бир чуқурга биттадан кўчат экилади. Кўчатларни жойлаштириш схемаси энг аввал тоғ қиялиги, экспозицияси, тупроқни тайёрлаш усули, технологик жараёнларини механизациялаштириш даражасига боғлиқ бўлади.

Дарахт кўчатлари экилганидан сўнг 2 йил давомида агротехник тадбирларни ўтказишга катта эътибор қаратиш лозим. Кам ифлосланган, тупроғи ночор тошлоқ жойларда биринчи йили 3 марта парваришлаш тадбирлари ўтказилади. Биринчи парваришлаш кўчатлар экилгандан сўнг терраса полотносини текислаш ва юмшатиш кўринишида бўлди. Иккинчиси тупроқ намини сақлашга ва бегона ўтларни йўқотишга қаратилган тупроқни 10-12 см чуқурликкача юмшатиш, баҳорги ёмғирлар мавсуми тугагач ўтказилади. Охиргиси кеч кузда 23-25 см чуқурликда тупроқ намга

тўйиниши учун юмшатилади. Кейинги парваришда тупрок қатламини қолдириш лозим. Кейинги йиллардан бошлаб вегетацияда 2 та парваришлаш ўтказса етарли бўлади. Яхши табиий шароитлар – сернам қияликларда, тупроғи унумдор ерларда бегона ўтлар тез ривожланади.

5-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ХИСОБЛАШ

Бизнинг лойиҳамиздаги зарангнинг ёғочини, бодомнинг эса меvasини сотиш орқали иқтисодий самарадорлик олиш мумкин бўлади.

1 дона наъматак, қайрағоч ва бодом кўчатини 1,5 минг сўмдан сотиб оладиган бўлсак, кўчат сотиб олиш учун 291 млн 192 минг сўм сарфланади.

Агар 1 гектар қайрағоч ўртача 400 м³ ёғоч беришини ҳамда 1 м³ ёғочнинг нархи 150 минг сўмлигини инобатга олсак, 23 млрд 460 млн сўм, бодомнинг ўртача 6 кг ҳосил бериши ва уни 25000 сўмдан сотилишини инобатга олсак, 6 млрд 653 млн 400 минг сўм, , наъматакнинг ўртача 2кг ҳосил бериши ва уни 10000 сўмдан сотилишини инобатга олсак, 226 млн сўм, жами 30 339 400 000 сўм даромад қилсак бўлади.

Тошкент ўрмон хўжалигида маданий ўрмонлар барпо қилишнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Амалга оширилган тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Қиймати
1	Тупроқни экишга тайёрлаш	Млн сўм/га	700
2	Кўчат сотиб олиш	Млн сўм/га	291.192

3	Парваришлaш	Млн сўм/га	1220
4	Даромад	Млн сўм/га	30339,400
5	Фойда	Млн сўм/га	28128,208

Хулоса

Лалмикор ерларда дарахтзор барпо этишда тупроққа ишлов бериш муҳим ўрин тутди. Тупроқ яхши майдаланиши ва шу орқали намликни тутиб туришга қаратилган бўлиши керак. Бундан ташқари тупроққа ишлов бериш орқали ёввойи ўтларни ва зараркунандаларни йўқ қилиш керак. Ушбу тадбир мақсадга мувофиқ тарзда олиб борилса бегона ўтлар транспирациясига кетадиган намлик сақланиб қолинади. Лалмикор ерларда тупроққа ишлов беришнинг бир бутун системаси қўлланилади. Агар лалмикор ҳудудларда бегона ўтлар авж олган бўлса тупроққа қорашудгор усулида ишлов берилади Экиш ишлари амалга оширилгандан кейин кўчат ва қатор орасига ишлов бериш асосан бегона ўтларни йўқотиш ва тупроқ таркибидаги намликни сақлаб қолишга қаратилган бўлиши керак.

Ёш сунъий ўрмонлар ўзининг ягона ўсиш даврини ўтагандан кейин ўрмон билан қопланган майдонга ўтказилади. Улар ўтган давр мобайнида аниқ ўсиши ва ҳолатининг кўрсаткичлари бўйича шу ўрмон билан қопланган майдонлар тоифасига тўғри келади.

Файдаланган адабиётлар

1. С.М.Аблаев., Я.Х.Юлдашов., “Маданий ўрмонлар” . ТошДАУ. Тошкент 2008 й.
2. А.Қ.Қайимов., Э.Т.Бердиев., “Дендрология” . Тошкент 2012й.
3. А.А.Ханазаров. А.Қ.Қайимов. “Лесный ресурсы Узбекистана”. Ташкент, 1993 й.
4. Яскина Л.В. “Дендрология”. Ташкент. “Ўқитувчи” 1980 йил.
5. Русанов Ф.Н. Деревья и кустарники Ботанического сада Академии наук УзССР. Ташкент 1955 й.
6. Усмонов А.У. Дендрология. «Ўқитувчи», Тошкент. 1974 й.